

## ХУДУДЛАРДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Анорбоева Бахтижамол Данияр қизи

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳудудларнинг алоҳида тармоқ хусусиятлари ва уларнинг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганиш яхлит ҳудуднинг таркибий таҳлили аниқлигини оширади. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тузилишида бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши асосий тармоқ ва соҳалар қаторида сезиларли улушга эга бўлсада, амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми ортиб борган ҳолда улуши пасайиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодиётнинг миллий ва ҳудудий кесимида саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда аграр ислохотлар доирасида тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантириш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш учун тажриба-синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган<sup>2</sup>.

2019 йил охирида жаҳон мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга туширган пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлганлигини

---

<sup>1</sup> Хожяев А.А. *Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили* (Фарғона вилояти мисолида). Иқт.фанлари бўйича фалсафа докт. илм.дар. олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: –2019. –63 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>)

инобатга оладиган бўлсак, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгариш тенденциялари асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таҳлилларимизга кўра, экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги республика вилоятларида бир-биридин сезиларли фарқ қилади. Масалан, гектаридан ўртача ҳосилдорлик сабзавотчиликда Андижон вилоятида Сирдарё вилоятига нисбатан 46,8 фоизга, мевазорларники Бухоро вилоятида Тошкент вилоятига нисбатан 4,1 баравар, узумники Фарғона вилоятида Жиззах вилоятига нисбатан 3,8 бараварга юқори бўлган.

Ўртача ҳосилдорликдаги бу фарқлар табиий-иқлим шароитлари ҳамда инсон омили ва айрим вилоятларда боғдорчилик, сабзавотчилик ва узумчиликка кам эътибор қаратилаётганлиги билан боғлиқ бўлмоқда.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикасида мева, узум ҳосилдорлиги пастлиги кўп жиҳатдан Амударёнинг қуйи қисми ва Оролбўйи ҳудуди табиий шароитлари билан боғлиқ бўлиб, у ерда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати паст, энг асосийси, қуриётган денгиздан кўтарилаётган тузнинг салбий таъсири катта.

Ҳосилдорликни ошириш республика мева-сабзавот ва узум мажмуасини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки кўпчилик вилоятларда маҳсулот етиштиришни ишлов бериладиган агротехник тадбирларни ўз муддатида қўллаш ҳамда ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Шундай қилиб, мева-сабзавот ва узум мажмуси фаолиятининг ташкилий-иқтисодий шароитлари узоқ вақт давомида хўжалик юритиш умумий ижтимоий-иқтисодий тизимида бозор тамойилларига асосланган ислохотлар асосида шаклланди. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам хўжалик юритиш шаклларида ўзгаришлар рўй берди 1990 йил мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг корхоналари асосий ишлаб чиқарувчилари жамоа хўжаликлари шаклидаги қишлоқ хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар шаклидаги яқка тартибдаги деҳқон хўжаликлари ҳисобланган. Сабзавотлар, мева ва резаворлар бўйича улардан ҳар бирига ишлаб чиқаришнинг ярми тўғри келган, узум етиштиришда эса жамоа хўжаликларининг улуши 85,7 фоизни ташкил қилди.

2020 йилда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш тузилмаси 1990 йил билан қиёсий таққослаганда сезиларли ўзгарди. Барча маҳсулот турлари бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши кескин пасайиб,

аграр соҳада хўжалик юритишнинг янги шакли бўлган фермер хўжаликларида узум етиштиришнинг улуши 41,2 фоизга етди.

Деҳқон хўжаликларининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришдаги улуши барқарор бўлиб келмоқда. Бу тушунарли албатта, чунки улар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий шароитлари қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот етиштирувчилар сифатида тан олинган хўжалик юритишнинг фермерлик шаклидан унчалик фарқ қилмайди. Масалан, 2020 йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг улуши 27,8 фоизни, деҳқон хўжаликларининг улуши эса 68,0 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улуши атига 4,2 фоизга тенг<sup>3</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудлардаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз:

мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг янги техника ва технологиялар билан таъминланиши учун зарурий молиявий ёрдам (лизинг, имтиёзли кредит) беришни кенгайтириш;

хорижий кредит линиялари асосида агрофирмалар томонидан маҳсулотларни сақлаш жойларини янгиларини барпо этиш;

тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар линиялар мазкур соҳа вакилларига алоҳида ажратишни йўлга қўйиш ва х.к.лар.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2017-2020 йй. Статистик тўплам.- Тошкент, Давлат Статистика қўмитаси, 2021 йил -169 бет.